2024-yil 7-noyabr
payshanba

№133
(5041)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**нинг таклифига биноан Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 5-6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан **Бишкек шаҳрида бўлди.**

Президент **Шавкат Мирзиёев** 6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 6 ноябрь куни **Дональд Трампга** Америка Қўшма Штатлари Президенти сайловида ғалаба қозониб, ушбу лавозимга сайлангани муносабати билан **табрик йўллади.**

* * *

Ўзбекистонда Европа иқтисодиёти кунларининг биринчи кунги тадбирлари бўлиб ўтди.

Тантанали маросим авалида давлатимиз раҳбарининг тадбир иштирокчиларига йўллаган мурожаати Президент маслаҳатчиси Равшан Ғуломов томонидан ўқиб эшиттирилди.

* * *

«Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ҳужжат билан аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади.

* * *

Ҳукумат қарори билан **ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киритилган шахсларга темирйўл транспортида ёки шаҳарлараро автобус учун бепул чипталар бериш тартиби тўғрисида** низом тасдиқланди.

* * *

Вазирлар Маҳкамаси **«Республикада 2024-2025 йилларда электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»** қарор қабул қилди.

* * *

Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили **Исматулла Эргашев** Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили **Терхи Хакала билан учрашди.**

* * *

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш (new.birdarcha.uz) тизимида **«Менинг бизнесим» модули жорий этилди.** Ушбу модуль орқали тадбиркорлар ўз бизнесига доир бир қатор муҳим маълумотларни олиши мумкин.

* * *

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида **«Анор фестивали»** ўтказилди.



Байрамга ҳам оз қолди...

«ISHONCH» мухбири Эъзоза УМУРЗОКОВА олган сурат-лавҳа

Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари

Юртимиз бўйлаб 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни байрами шукуҳи кезмоқда

>>>2-3-саҳифаларда ўқинг

Сана



ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Касаба уюшмалари куни олдидан соҳада узоқ йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ фахрийлар рағбатлантирилди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмаларидаги кенг кўламли ўзгаришлар, соҳа қонунчилигидаги янгиланишлар ва уларнинг бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти хусусида фикрлар алмашилди. Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги эзгу ҳаракатлар ва уларнинг натижалари эътироф этилди.

Фахрийлар эътибор ва эъзоз учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдиришди.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Маълумот учун: *Ҳозир Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси тизимида 3 632 тадан зиёд бошланғич ташкилот самарали фаолият кўрсатмоқда. Тармоқ касаба уюшмаси ўз сафига 332 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштириб, корхона ва ташкилотлар масъулларини ишчи-ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, муносиб меҳнат шароитлари яратишга чорлаб келмоқда. 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан барча ташкилотларда байрам тадбирлари ўтказилмоқда.*

Фестиваль

БОЛАЛИК ОРЗУСИДАН КАТТА САҲНАЛАРГАЧА...

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида республикамиздаги мусиқа мактабларида ўқувчиларга таълим бераётган бир гуруҳ педагоглар ўртасида «Касбим – фахрим» деб номланган кўп жанрли мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган бу тадбирда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мусиқа мактабларида ёшларга миллий эстрада ва анъанавий ижрочилик, шунингдек, турли чолғу асбоблари бўйича таълим бераётган ижодкор педагоглар иштирок этди.

Дутор, тор, рубоб, доира, скрипка, бухороча рақс, хоразмча рақс, саксофон, фортепиано, миллий эстрада йўналишидаги ҳар бир чиқиш шунчалик маҳорат билан ижро этилдики, томошабинлар профессионал ижродан завқу-шавққа тўлдилар. Масалан, янгийўллик Дилноза Толибжонова томонидан фортепианода ижро этилган «Карвон» куйи, бағдодлик Рустамжон Муҳаммаджонов ижросидаги «Ошиқлар» қўшиғи, Самарқанд вилоятидан келган Соҳибжон Бобомуродовнинг хоразмча эркаклар рақси, навоийлик Аббос Ҳайдаровнинг скрипкада чалган «Терма» куйлари ва андижонлик Ҳожиакбар Ёқубжоновнинг саксофонда чалган куйи юқори маҳорат билан ижро этилгани боис олқиш ва эътирофларга сазовор бўлди.

– Болалигимдан фортепианода куй чалишни орзу қилганман, – дейди Дилноза Толибжонова. – 9 ёшимда туман мусиқа ва санъат мактабига онам етаклаб борган. Ўша ерда устозлардан таҳсил олиб, кейинчалик тақдирим, яъни касбимни ҳам шу соҳа билан боғлаб, бугун болажонларга фортепиано чалишни ўргатиб келмоқдаман. Бугунги тадбирда иштирок этиб, масъулиятли ва фахрли соҳада эканлигимни ҳис қилдим. Чунки санъатимизнинг келажаги бўлмиш болажонлар билан ишлаймиз. Бизнинг билимимиз уларнинг келгуси ҳаёт йўлига ҳам таъсир кўрсатади. Маҳоратли, ўз касбини севган устоз қўлига тушган бола, албатта, моҳир чолғучи бўлади.

Тадбир якунида барча иштирокчиларга Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

Янги Ўзбекистоннинг

Юртимиз бўйлаб 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон касаба уюшмаларининг VIII Қурултойи иштирокчиларига йўллаган табригида 11 ноябрни «Касаба уюшмалари куни» этиб белгилаш тўғрисидаги таклифни илгари сурган эди. Шундан сўнг «Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, ҳар йили ушбу сана муносабати билан жойларда қатор тадбирлар ўтказиб келиняпти. Мурувват ҳамда Саховат уйларида яшаётганлар, эҳтиёжмандлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётир.

Бу йилги тадбирлар ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда. Меҳнат жамоаларида турли танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ўтказилиб, ходимлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари ходимлари, фаоллари ва аъзолар, умуман, шу юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган жамики ватандошларимиз байрамни муносиб нишонламоқда.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ – МЕҲНАТКАШЛАР ТАЯНЧИ



Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Касаба уюшмалари куни байрами муносабати билан Ислом цивилизацияси маркази мажмуаси қурилишидаги ишчи-ходимлар билан учрашув ўтказилди.

Самимий мулоқотда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши, Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши вакиллари йиғилганларни байрам билан табриклаб, инсон қадри юксалиб бораётган бугунги кунда меҳнаткашларга муносиб шароитлар яратишга ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратилаётганини айтиб ўтишди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, Республика кенгаши тизимида турли дастурларни амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш, тармоқ тизимидаги ходимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шериклик муҳим аҳамият касб этмоқда. Тизимда ижтимоий шериклик тармоқ даражасида тармоқ жамоа келишувлари ҳамда бошланғич даражада жамоа шартномалари орқали амалга оширилиб келиняпти. Бугунги кунда тармоқ Республика кенгаши ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўртасида 2023-2025 йиллар учун Тармоқ жамоа келишуви тузилган бўлиб, шу асосда ходимлар мунтазам қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

– Жамиятимизда ходимлар учун қулай шароитлар яратилиб, ижтимоий шерикликнинг мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда, – дейди «Трест–12» акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси Ойбек Нормаматов. – Ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифалар инсон қадрини юксалтиришга қаратилиб, яшил иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Муносиб меҳнат учун эса касаба уюшмалари мустаҳкам таянч бўлмоқда.

Тадбирда, шунингдек, «Трест–12» акциядорлик жамияти фаолияти ҳақидаги видеоролик ҳам намойиш этилди.

Иштирокчилар тадбир сўнгида Ҳазрати имом мажмуасини зиёрат қилишди.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА, Мирнодир МИРАКМАЛОВ (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

Мулоқот

ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Нукус давлат педагогика институтида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улуғбек Жалменовнинг талаба-ёшлар билан очиқ мулоқоти ташкил этилди.

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ўтказилган тадбирда корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар, касаба уюшма фаоллари ҳамда талабалар иштирок этдилар.

Мулоқот асноси Янги Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишлар тўғрисида муфассал маълумот берилди.

Самимий мулоқот ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир доирасида бир гуруҳ талабалар касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган стипендия ҳамда санаторийларга бепул йўлланма билан рағбатлантирилди. Бир неча ёш ишчи-ходимга кенгашнинг фахрий ёрлиғи топширилди.



Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Саёҳат

«КЎРМАГАН ЖОЙЛАРИМДА БЎЛДИМ»

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши – Касаба уюшмалари куни муносабати билан яқиндагина касаба уюшма ҳимоясига олинган 50 нафар аъзонинг Самарқандга саёҳатини ташкил этди.

Буюк тарихни ўзида мужассам этган боқий шаҳар уч кун давомида саёҳатчиларда ёрқин хотиралар қолдирди. Буни уларнинг фикрларидан ҳам билиш мумкин.

– Касаба уюшмаларига аъзо бўлиб, мана шундай гўзал шаҳарни кўришга мушарраф бўлдим, – дейди Дилоромхон Мирзаева. – Саёҳат давомида бизга катта эътибор қаратиб, барча шарт-шароитларни яратиб беришди. Шинам меҳмонхона ҳам ҳаммамизга манзур бўлди.

Касаба уюшмага аъзо бўлганимизга унча ҳам кўп бўлгани йўқ. Ушбу ташкилот кўмагида икки марта саёҳатга чиқиб, кўрмаган жойларимда бўлдим, – дейди Дилшоджон Отахонов.

– Таассуротларим бир олам, – дейди Қўқон шаҳар жамоат саломатлиги техникуми ўқитувчиси Юлдуз Назаралиева. – Ростини айтсам, бу Самарқандга илк сафарим. Тарихий мажмуалар, муқаддас қадамжолар зиёратидан баҳраманд бўлдим. Бунинг учун ташкилотчилардан миннатдорман.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Кайфият

Айни дамларда юртимиз бўйлаб Касаба уюшмалари ходимлари куни кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги 41-ўрта таълим мактабида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани кенгаши «Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун!», деб номланган байрам тадбири уюштирди. Унга туманда бир неча йиллардан буён фаол меҳнат қилаётган касаба уюшма раислари ҳамда фахрийлар таклиф этилди.

ДИЙДОР АЗИЗ



Тадбир бошида туман кенгаши раиси Дилнора Ўлмасова иштирокчиларни байрам билан табриклади.

– Ҳар йили касаба уюшмалари ходимлари куни юқори савияда нишонланмоқда, – деди у. – Ўтган йилларда шу байрам муносабати билан спорт мусобақалари ва турли тадбирлар уюштирдик. Бу йил эса, сиз азиз фахрийлар ва касаба уюшма раисларини бир жойга йиғдик. Ўйлайманки, сизларга дийдорлашиш, суҳбатлашиш имкониятини яратдик...

Тадбирни байрамона ташкиллаштириш учун соҳага оид бошқотирмалар, Меҳнат кодекси бўйича тезкор савол-жавоблар, шунингдек, психологик тренинг ҳам ўтказилди.

Учрашув давомида 24 нафар касаба уюшмаси фаоли ва фахрийси туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Тадбир сўнгидаги куй-қўшиқлар ҳаммага байрамона кайфият улашди.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»

Тадбир

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Бўстонлиқ туманидаги «Шафран» санаторийсида 50 нафар бошланғич ташкилот раиси учун маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.



ҲАМ ДАМ ОЛИШ, ҲАМ ТАЖРИБА АЛМАШИШ

Унда иштирокчиларга тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳ.Сайдалиев, «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Л.Тишкина ва «1-автобус саройи» касаба уюшма қўмитаси раиси О.Мирзаева қонунчиликдаги ўзгаришлар, касаба уюшмалари фаолиятидаги янгиликлар хусусида батафсил маълумот беришди.

Тадбир асноси касаба уюшма фаоллари учун спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Хусусан, эркаклар ўртасида ўтказилган шашка мусобақасида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош ҳисобчиси Ш.Содиқов, аёллар ўртасида эса «Себзор» хусусий ташкилоти касаба уюшмаси раиси С.Мингалиева ғолиб бўлди. Стол теннисида эркаклардан Б.Жалолов, аёллардан Л.Тишкина юқори ўринларни забт этишди. Дартсда биринчи ўринни эркаклар ўртасида М.Исаев, аёллар ўртасида эса О.Мирзаева эгалладилар.



Ғолиблар ва фаол қатнашчилар муносиб рағбатлантирилган тадбир ўзига хос тажриба платформаси ҳам бўлди.

Ўз мухбиримиз

Давра суҳбати

КЎТАРИНКИ РУҲДА

Бухорода ноябрь ойи қатор байрамлар билан бошланди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги масканларда ҳам турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Улардан бири Пешку туманидаги 16-мактабда «Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари» шиори остида бўлиб ўтди.



– Тадбирга жамоамиздаги педагог ва ишчи-ходимлар жалб қилинди, – дейди мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Оқила Аслонова. – Айниқса, М.Нозирова, Н.Қурбонов, Т.Истамов, Н.Ҳабибов сингари фахрий устозларнинг ташрифи даврамизга ўзгача файз киритди. Улар ва касаба уюшма фаолларига эҳтиром кўрсатилиб, туман кенгаши ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан санага бағишлаб ўтказилган тадбирлар ҳам эътиборга лойиқ.

– Яқинда «Мурувват» ногиронлиги бўлган аёллар учун интернат уйида ишчи-ходимлар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича касаба уюшмаси биринчилиги мусобақаси ташкил этилди, – дейди кенгаш бош мутахассиси Туроб Қулиев. – Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Шунингдек, вилоят судларида «Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Бу каби тадбирлар вилоят марказий банки бошқармаси, фавқулодда вазиятлар бошқармаларида ҳам ташкил этилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳам сана муносабати билан «Варнет» боғида «Яшил иқтисодиёт бўйича касаба уюшмалари олдида турган вазифалар» мавзусида давра суҳбати уюштирди. Унда мавзу доирасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган соҳадаги ишлар ҳақида сўз юритилди.

Абира ИМОМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

янги касаба уюшмалари

уюшмалари куни байрами шукуҳи кезмоқда

Ободлик

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲАМОҲАНГ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши томонидан Урганч туманидаги «Урганч» оромгоҳида ўтган йили 25 сотих майдонда «Касаба уюшмалари боғи» ташкил этилган эди. Булутр кузда экилган 400 тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари бир текис ўсмоқда. Бундан мамнун бўлган касаба уюшма ходимлари боғни янада кенгайтиришга аҳд қилишди.



«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида навбатдаги тадбирга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилди. Аввало, ерга ишлов берилди. Маҳаллий шароитга мос мева турлари танланди. 70 нафардан зиёд касаба уюшма ходимлари сафига Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфидаги оромгоҳлар раҳбарлари ҳамда «Хонқа» санаторийсининг 20 нафардан зиёд ходими қўшилди.

Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари Рустам Султонов дарахт экиш ниҳоятда савобли амал эканлигига тўхталишди.

– Кўчат қадаш – эзгу қадриятларимиздан. Биз эккан ниҳоллар яқин йилларда мева бера бошлайди. Невара-чевараларимиз улардан баҳраманд бўлишади, – деди Гулсара Қурбонбоева. – Боғлари кўп элнинг турмуши фаровон бўлади.

Ушбу чорловлардан куч-қувват олган фидойилар ғайрат билан ишга киришишди. 70 сотих майдонга 500 тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Вилоят кенгаши раиси маслаҳатчиси Равшан Жабборов, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбоев ва боғдорчилик илми мутахассислари ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, ниҳолларни тўғри экиш бўйича тавсияларини бериб боришди.

Эрталаб бошланган тадбир тушга бориб якунланди. Баракали меҳнатдан сўнг Хоразм лазгисига рақсга тушиб, чорғини чиқарган касабачилар ниҳолларимиз униб-ўсиб, серҳосил дарахтларга айлансин, дея дуога қўл очишди.

Шунингдек, 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни муносабати билан Хоразм вилоятидаги «Жайҳун қуёши» болалар соғломлаштириш оромгоҳида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

Унда вилоят кенгаши ходимлари, тармоқлар раҳбарлари, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Хоразм вилояти бошқармаси ва оромгоҳлар ходимлари иштирок этишди. Улар дастлаб «Яшил макон» умуммилий лойиҳаси доирасида оромгоҳ ҳудудига кўчат экишди.

Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева болаларга аталган боғлар серҳосил бўлсин, дея тилак билдирди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова «Жайҳун қуёши» оромгоҳи қурилган йили барча касаба уюшма фаоллари иштирокида экилган ниҳоллар бугун улкан дарахтларга айланганини эътироф этди.

Баҳаво масканда жойлашган оромгоҳ ҳудудида барқ уриб ўсган турли мевали ва манзарали дарахтлар болаларнинг табиат гўзалликларидан баҳра олиб, мавсумни мароқли ўтказишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хайрли ишлардан сўнг тадбирнинг иккинчи қисми бошланди. Ёз мавсумида самарали фаолият кўрсатган оромгоҳлар ходимлари ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Мусобақа

ХОДИМЛАР БЕЛЛАШУВИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши ҳамда вилоят спорт бошқармаси ҳамкорлигида касаба уюшмалари тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар ўртасида мусобақа ташкил этилди.

Ёши 35 дан ошган аёллар ва эркаклар ўртасидаги волейбол ҳамда мини-футбол бўйича беллашувларда 8 та тармоқдан 120 нафардан зиёд фаол қатнашди.

Мусобақалар якунига кўра, мини-футболда 1-ўринни Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси эгаллаган бўлса, аёллар ўртасида ўтказилган волейбол баҳсида ғолиблик Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Марҳабо ҲАЛИЛОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

Маҳорат

ҚИЗҒИН ВА ДЎСТОНА

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси ташаббуси билан «Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖда 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни муносабати билан спортнинг шахмат-шашка турлари бўйича мусобақа ташкил этилди.

Ақл чархи баҳси қизғин ва дўстона кечди. Иштирокчилар профессионал спортчилар каби дона суришди. Якунда шахмат беллашувида эркаклар ўртасида биринчи ўрин шаҳар сув таъминоти бошқармаси ходими Дилмурод Халиловга насиб этди. Шашкада эркаклар ўртасида Оқава сув тармоқлари бошқармаси ходими Бекзод Холбоевга тенг келадигани топилмади, аёллар ўртасида эса Бўзсув сув иншооти ходимаси Матиха Мираҳмедова қанчалар маҳоратли эканини намойиш этиб, барчадан устун келди.



Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Эътироф

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР – ЮКСАК БАХТ!

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Иммунология ва инсон геномикаси институтида қўшалоқ байрам – Тиббиёт ходимлари куни ҳамда Касаба уюшмалари кунига бағишлаб тадбир ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар бугунги кунда касаба уюшмалари томонидан ходимларга кўрсатилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя борасидаги ишлар юксак даражада олиб борилаётганини таъкидлашди.

– Инсон кўнглини кўтариш, қувонтириш учун кўп нарса шарт эмас. Ҳар бир ходим ташкилотига керак эканини, унинг ҳаракатлари сабаб ривожланиш ва юксалиш бўлаётганини англашининг ўзи катта бахт! Уларнинг манфаатлари ҳимояси учун касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар эса, айниқса, эътирофли, – деди институт директори, академик Тамара Орипова.



Тадбирда тиббиёт соҳасида илм-фанга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ олимлар институт маъмурияти, бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Шерзод ЖЎРАЕВ,
ЎзФА Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси





Нигоҳ

БАЙРАМ БАҲОНА

устувор вазифалар ҳам белгилаб олинмоқда

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Самарқанд вилоятида ҳам турли акциялар, спорт мусобақалари, очиқ мулоқотлар, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

Хусусан, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш университети, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирлар кўтаринки руҳда ўтди. Самарқанд вилояти санитария-эпидемиология, осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаларида ҳам байрам муносиб нишонланди.

Самарқанд давлат тиббиёт университетида ташкил этилган очиқ мулоқотда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханапияев иштирок этди. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалар қатнашган тадбирда талаба ёшларга яратилаётган шарт-шароитларга, тармоқ касаба уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишларга баҳо берилди. Бир гуруҳ соҳа фахрийлари, фаол етакчилар рағбатлантирилди.

– Вилоятда 5 минг 700 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Байрам баҳона касаба уюшмалари келгуси устувор вазифаларни белгилаб олмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Кечинма



СОҒИНЧ

Бозорда дафъатан қуритилган ўрик сотаётган чолга кўзим тушди. Истараси иссиқ, бодом қовоғи, кулиб турган қисиқ кўзлари худди отажонимни эслатди. Оёқларим беихтиёр ўша томон одимлади. Харидори кўплигидан ҳеч нимани пайқамаган отахон менга эътибор ҳам қилмади. Нарироққа бориб, яна ортга қайтдим.

Отахон:

– Олинг, қизим, биттасини татиб кўринг, ёқмаса олмайсиз! – деди.

Қўлини қайтара олмадим. Татиб кўраётган киши бўлиб, яна интиқиб боқдим. Мулойим кулишлари, боқишлари...

– Ҳа, қизим, кўнглингизга ўтирмадими? – деди рўмолчаси билан пешонасини артиб отахон.

Довдирадим.

– Йўқ, нега энди, аксинча, ширин экан, олмоқчиман, – дедим.

Йўлда бораркан, унинг чеҳраси кўз олдимдан кетмасди.

Кейинги кун иш вақти тугашини сабрсизлик билан кутдим. Бозорга кириб борсам, отахон ўрнида йўқ экан. Балки бошқа жойга кўчгандир, деган хаёл билан расталарни айландим. Топа олмай, кайфиятим тушиб кетди...

Ярим тунда уйқум қочиб, ошхонага ўтдим. Халтачадаги ўриклардан кафтимга олиб, узоқ тикилдим. Отахон менга ўрик эмас, илиқлик илингандек, кўнглим аллақандай ёқимли ҳисни туйди.

Эсимда, отажонимнинг кичиккина кўрпачаси бўларди. Бўш вақт топди дегунча ўшани олиб, чиқиб, эшик олдидаги ишком ёки ҳовли тарафдаги ўрик тагига тўшаб, газета ёки журнал ўқиб ўтирарди. Қўллари жуда ширин эди. Бола кезларимизда у пиширib берган макарон қовурдоқни талашиб еганмиз. Гарчи у оддий овқат бўлса-да, биз учун тотли эди. Ҳозир ўша таомни ҳеч бир шоҳона таомга алишмасдим.

Ойижонимнинг тимқора кўзларида мудом меҳр порларди. Айниқса, тўшак тортиб ётиб қолган йилларда онажонимнинг кўрсатган меҳри, ғамхўрлиги, рўзғор юки нозик жуссасига оғирлик қилса-да, оғринмай оила тебратгани...

Шулар ҳақида хаёл суриб ўтириб, тонг ёришганини сезмай қолибман.

...Бугун якшанба, бозор қизийди. Мен эса отахоннинг қошига бораман ва албатта, унга отажонимга ўхшашини айтаман. Яна нималарни гапирсам экан?!

Тизгинсиз саволлар оғушида манзилга ҳам етиб келдим. Аммо отахон кўринмади, ўрни бўш. У ёқ-бу ёқни айланиб юриб, яна ўша жойга бордим. Келмабди. Кеча қошида ўтирган аёлдан секин сўрадим. У эса совуққина қилиб:

– Билмайман! – деди.

Яна бозор айландим... Базўр уйга қайтдим.

Баъзан инсон яқин кишисини соғинса ёки муттасил ўйлайверса, бошқа биров тимсолида ўшани кўради деганларини эшитгандим. Менда ҳам шундай ҳолат юз бераётгандир?

Нима бўлганда ҳам, эртага йўлга отланаман. Қадрдон қишлоғим томон! Юрагимга яқин, қалбимни соғинчга тўлдирган отамнинг босган изларини, мангу қўним топган жойларини зиёрат қилиб қайтаман.

Зора, кўнглим таскин топса...

Фотима АБДУРАИМОВА

Мулоҳаза

«Қамчиқ»ми ёки «Камчик»?

Бу довонни ҳар куни минглаб одамлар тилга олади. Чунки Фарғона водийси вилоятлари Ўзбекистондаги бошқа жойлар билан Қурама тоғидаги шу довон орқали алоқа қилади: Тошкент-Ўш йўлидан кунига 10-15 минг машина уёқдан буёққа қатнайди, поезд ҳам Фарғона водийсига шу довон оралаб ўтади. Бу йўлни юртимизнинг ўқ томири, десак ҳам янглишмаймиз.

Унинг номи илгари Камчик эди:

***«Камчик** – Қурама тизмасининг сув айирғич қисмидаги довон. Мутлақ баландлиги 2268 м. Унга **Камчиксой** водийсидан борилади. Тошкент-Қўқон автомобиль йўли ўтган». («Ўзбек совет энциклопедияси», V жилд, 1974 йил, 289-бет).*

Кейин у Камчиқ деб ўзгарди:

***«Камчиқ довони** – Қурама тизма тоғларида, Тошкент ва Наманган вилоятлари чегарасида жойлашган... Довондан қадимда Буюк ипак йўлининг шимолий тармоқларидан бири ўтган». («Ўзбекистон миллий энциклопедияси», IV жилд, 2002 йил, 423 бет).*

Ажабки, «бу тоққа кам-кам чиқиш керак, шунинг учун номи – «Кам чиқ» дейдиган билармонлар ҳам топилди дарров.

Ҳозир эса у ҳам қолиб, «Қамчиқ» деб аталяпти: «Қамчиқ довонда қатнов йўлга қўйилди», «Қамчиқ довони вақтинча ёпилади», «Қамчиқ довони қисман очилади», деган хабарларга ҳар кун кўзимиз тушади.

Энди бу сўз (Камчик-Камчиқ-Қамчиқ) аслида қандай эканини аниқлаш керак. Йўқса, жой номлари имлосида палапартишлик кўпайиб кетади.

Яна қайси ўлкаларда шундай жой номи бор экани ва уларда мазкур топоним қандай ёзилишини аниқлаш тўғри талқинга йўл очиши мумкин. Масалан, Тоғли Олтойда Камчик деган жой бор. Кемчик – тоғ ичидаги чоғроқ текислик экан. Агар шундай бўлса, биздаги довон йўли Қамчиқ деб аталиши мумкин эмас: туркий фонологиянинг хусусияти шундайки, «қ»дан кейин «е» товуши келмайди, демак, «Кемчик» асло «Қамчиқ» бўлолмайди.

Шундай экан, биздаги довон номи ҳам «Камчик»дир, «Қамчиқ» эмас.

Умуман, қизиқ: Сибирь ва Олтойдаги айрим жой номлари Марказий Осиёдаги номларга уйқаш. Мана шу Камчик довони оралаб ўтаётиб, «Эртошсой» деган ёзувга кўзингиз тушади. Ёдингизга беихтиёр «Иртишсой» деган сўз келади. Илмий манбаларда тезоқар тоғ дарёси «Иртиш» дейилиши кўрсатилган. Дарҳақиқат, Обнинг сўл ирмоғи бўлган Иртиш бошланган жойи – маснадида жуда шитоб билан оқади. Буни қарангки, Камчикдаги Эртошсойнинг ўзани ҳам бошидан-охиригача фақат нишаб, шовуллаб тез оқади. Шундай экан, уни «тош» сўзига боғлаш тўғри эмасдир.

Нимага десангиз, Олтой – турк элларининг илк ватани. Туркий қабилалар Сибирдан, Олтойдан кейинчалик бошқа жойларга кўчган. Жумладан, қадимги боболаримиз Марказий Осиёга келгач, аввал яшаган маконларини, уларнинг лисоний шакли бўлган топонимларни унутмай, ўшанга ўхшаш жойларга ўзлари ўрганган номни беришлари табиий ҳолдир. Шунга кўра, «Эртош» билан «Иртиш»нинг топонимик ўзаги бир бўлса, ажабмас.

Аммо Эртошсойни энди Иртиш деб ўзгартирайлик, ёинки Иртиш дарёсини бундан сўнг Эртош деб атасинлар, деяётганимиз йўқ. Илм учун тадқиқ лозимлигини айтмоқчимиз, холос. Эҳтимол, бу вариантлар ҳам асоссиздир, Эртошсой суви ўртаси ботиқ бир улкан тош устидан ўтса, асл ўзаги Эгартош қисқариб, Ээртош – Эртош шаклига келган бўлиши ҳам мумкин.

Аммо жой номларини «чиройли» шаклга солишга уриниш беҳуда. Ҳозирги «Тошкент-сити» ўрнида илгари Сувюлдуз деган бир кўча бор эди. Юлдузнинг сувдаги акси дегандай, шоирона бир сўз. Аммо кейин маълум бўлдики, Сулдуз – қадимги туркий уруғ номи экан, аллаким унинг бошига сув қуйиб, «Сувюлдуз»га айлантириб юборипти...

Яқинда телевизорда кўриб қолдим, бир тилшунос Тошкент вилоятидаги сойни Оқсоқ ота деб хато айтяпмиз, бу камситиш-ку, менимча, асли Оқсоқол ота бўлса керак, келинглар, шуни тўғрилаб ёзайлик, деб ўтирибди. Бунақа талқин – тил табиатини ҳис қилмаслик оқибати. Тоғдаги сой бошида Оқсоқол ота ёки Оқсоқ ота нима қилади? У асли Осқа тов, яъни улкан қоя (Асқартов – шунинг бир шакли). «Осқатов»нинг иккинчи бўғини «ота»га айлангач, «Осқа» бора-бора «оқсоқ» шаклини олган.

Кўрамизки, жой номини ўзгартиш ёки янгилашда шошма-шошарлик ишни бузади; у аллақайси «комиссия»нинг бир йиғилишида, кимлардир «таклиф киритиб», бошқалар қўл кўтариши билан ҳал бўладиган масала ҳам эмас. Ана шунақа ноилмий ёндашув туфайли Тўйтепани – «Нурафшон», Бўзни эса «Бўстон» қилиб ўтирибмиз. Ҳолбуки, аввалги асл номлар ортида камида минг йиллик... ундан ҳам наридаги тарих ётар эди!

Ўзбекистонда, умуман Марказий Осиёда жой номлари сон-саноқсиз. Минг-минг қишлоқлар, сойлар, ариқ ва анҳорлар, тепаликлар, қирлар, адирлар, тоғлар, чўққилар, довонлар, дарахтзорлар, ўрмон ва тўқайлар, кўл ва кўлчалар, ҳар бир аҳоли масканидаги ғалати номдаги маҳалла ва кўчалар...

Уларни сақлаб қолиш, ҳеч бўлмаганда, номини қоғозга дарж этиб қўйиш керак. Европа мамлакатларида бирон эски бино турган бўлса, янги иморатни унга халал бермайдиган қилиб нарида қуришар экан. Бизда эса, аҳолининг дод-войига қарамай, бузиб ташлаш, дарахтзорларни қийратиш, неча минг йиллик археологик объектларни текислаб ташлаш оддий ҳолга айланган. Ўзини талқон қилаётганлар бу жойнинг номини сақлаб қолиш ҳақида ўйлармиди?

Аммо ҳозир ҳам кеч эмас. Минг-минг қишлоқлар жойида. Улар аста-аста қўшилиб, ўртада янги уй-жойлар қад кўтариб, орасидаги далалар йўқолгач, битта катта қишлоққа айланиб кетаётир. Масалан, Андижон вилоятида аксар туманларнинг бу бошидан кириб, нариги четидан чиқиб кетиш мумкин – ҳамма хонадонлар бир-бирига туташ. Замонавий тилда айтганда, қишлоқ мегаполиси, дейсиз. Албатта, бир-икки авлод алмашгач, ҳозирги уй-жойлардан ном ҳам, нишон ҳам қолмайди.

Юртимизни Ўзбекистон дейдилар. Аммо бу – жамловчи бир от. Ундаги минглаб қишлоқлар, қирлару сойларнинг ҳар бири – ватан, ватаннинг бир қисми. Ҳар бирининг номи – ватаннинг бир исми.

Мен ҳар бир топонимни аввало сақлаб қолиш, ҳар бир қишлоқ ва овул номини қайддан ўтказишни таклиф қиламан. Бунинг учун «Ўзбекистон жой номлари энциклопедияси»ни яратиш керак. Чунки жой номлари – тарих мулки, ватани номини унутган халқ манқуртлашган эл бўлади. Ҳар бир жой номини табаррук деб билиш, худди минг йиллик мадраса биноси каби қўриқлаш лозим.

Афсуски, тил илмидан етти чақирим наридаги, ономастикаю топонимика нималигини ҳатто эшитмаган айрим билармонлар чиқиб, «чиройли эмас» бўлган беш-ўн жой номини келтириб, буларни алмаштириш шарт деб уқтирадилар. Ажаб, отангиз ё онангиз хунукроқ одамлар бўлса, улардан воз кечасизми? Асл маъносини, ё келиб чиқиш тарихини билмаганингиз учун улар гўзал туюлмаётгандир сизга? Масалан, Кўрпа деган қишлоқ Андижонда, Самарқандда, яна бошқа ерларда бор. Бироқ у, сиз ўйлагандай, тунги тўшак эмас, балки қадимий бир туркий уруғнинг номи-ку. Яна, «Бешкал» қишлоғи дегани хунук эшитилади, «Бешгул» бўлақолсин, дедилар. Лекин халқ «Бешгул»ни қабул қилмади, «Бешкал» номини афзал кўрди.

Жой номлари имлосига дахлдор яна бир масала. Биз Ўзбекистондаги, Марказий Осиёдаги ва умуман, дунёдаги жой номлари она тилимизда қандай ёзилишини кўрсатадиган бир китобга муҳтожмиз. Чунки, бу соҳада палапартишлик, бир жой номини икки хил ёзишлар кўп.

Албатта, ҳар бир халқ жой номларини ўз талаффузига, ёзувига мослаштиради, шундай ёзади. Ҳиндистон пойтахтини инглизлар «Делҳи» дейди, ўзбеклар эса «Деҳли» деб битади, Беруний замонидан бери шундай. Мана шу олтин қоидага амал қилайлик. «Ашгабат»ни «Ашхобод» деб ёзамиз.

Тошкентнинг катта бир кўчасидаги йўлкўрсаткичда «Тошкент – Ўш – Иркештам» деб ёзиб қўйилибди. Иркештам – Эргаштом бўлса керак, чунки биздаги барча илмий манбаларда, қомусларда шундай белгиланган (у Эргаш исмли бир ўзбек ёки уйғурнинг уйи, карвонларга бошпана – том қурган). Аммо бу йўлкўрсаткични тайёрлайдиганлар нафақат илмий, балки расмий маълумотларни ҳам ўқимайди, Қорасувни «Кара-су», Сўқоқни «Су-кақ» деб ёзиб кетаверади. Жой номларини хато ёзиш – давлат тили тўғрисидаги қонунни бузиш деб қаралиши керак.

Бунинг чораси – Атамашунослик қўмитасини, ҳалиям бўлса, тиклаш. Сиз Испанияда, Англия-ю Туркия, Грецияда, ё Эронда кўча ёзувлари ўқловдай ҳарфлар билан ҳато ёзиб қўйилиши мумкин, деб ўйлайсизми? Йўқ, албатта. Аммо бу борада биздақа «кенгбағир» эл йўқ. Ҳозир бормикин, билмайман – бир маҳаллар Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида «Лотин ёзувига ўтказиш» бўлимчаси бўлар эди. Улар, хатоми-тўғрими, суриштирмас, лотинлаштирарди-қўярди. «Иркештам» ёзувига қараганда, ҳалиям жавлон ураётган кўринади...

Эркакдир-аёлдир, кўчага чиқаётиб, ўзига қарайди, лоақал оҳорлик либос кийиб олади. Жой номлари эса, аксар ҳолларда кўча ёзувларида акс эттирилади. Демак, кўча ёзувлари – тилимизнинг кўчалик либоси, у тўғри ва ярашиғлиқ бўлсин, саранжом-саришта, оҳорлик бўлсин.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ,
адабиётшунос



Бўлган воқеа

ҲАЁТНИНГ СИНОВЛАРИ КЎП

Болалигимизда бобомникига кўп борардик. Ҳовлиси кенг ва шинам, олд қисмида катта боғи ҳам бор эди. Унга бораверишда бувим парваришлаган хушбўй райҳонларнинг анвойи ҳиди атрофга таралар, намозшом гуллар қийғос очилиб турарди.

Эсимда, қиш келди дегунча печка атрофида гир айлана давра қуриларди. Ташқарида қаҳратон, аммо кўнгилларда илиқлик. Тошчироқ ёғдусида пахта чигитини чувиб ўтирар эканмиз, раҳматли Салима бувим ҳикояларини бошларди. Шу қадар маҳорат билан айтардики, воқеалар бизни ўз домига тортиб кетганини сезмай қолардик. Уларда тириклик улуғ неъмат экани, инсон яшар экан, ҳаётга бўлган муҳаббати асло сўнмаслиги, доимо яшаш учун курашиш ғоялари илгари суриларди.

Бувимнинг ҳикоялари реал воқеликка асосланган, ўз ҳаётида кўрган-билганлари, эшитганлари жамланмаси эди. Улардан бири бутун оиламиз, аммаларим, ака-опаларимнинг ҳам ёдидан ҳеч чиқмаса керак. Сабаби, энг кўп тинглаганимиз, энг кўп ҳайратлангани-миз ҳам мана шу ҳикоя бўлиб, қисқача мазмуни қуйдагича:

Уруш, қаҳатчилик, қолаверса, аёзли қиш. Ўрол бобо ола хуржунини саман отига ортиб, меваларга бой Бахмал водийсидан олма ва ўрик қоқиларини Тожикистонга олиб бориб сотар, шу тариқа оиласини тебратарди. Қиш кунларининг бирида одатдагидек у икки қоп олма ва бир қоп ўрик қоқисини отига ортиб, тизма тоғлар оша йўлга тушади. Узун, ёлғизоёқ йўл ва изғирин. Тоғ ёнбағирлари сари кўтарилиб бораркан, бўрон ҳам кучайгандан-кучая боради. Бу йўллар қанчалик унга таниш ва қадрдон бўлмасин, тинимсиз ёғаётган қор ва аёз ўз кучини кўрсата бошлайди. Устига-устак, қаттиқ шамол туриб, йўлдан адаштиради. Шунда отидан тушиб, уни етаклайди ва бор кучини тўплаб тоғ ёнбағридаги қоялар томон ҳаракатланади. Шу пайт бирдан қор кўчкиси юз бериб, Ўрол бобонинг тўрт томонини қоялар бўйи қор уюмлари ўраб олади. Яхшиямки, ёнбағирда эканман, бўлмаса, қор тагида қолиб, ўлиб кетарканман, дейди у ўзига-ўзи.

Ўрол бобо ўн беш кунлар оралиғида бор қоқиларини еб тугатади. Бу вақтда отининг ҳам емишлари тугайди. Оқибатда отини ҳам сўйишга мажбур бўлади.

Орадан кунлар ўтади. Бир куни Ўрол бобо уйқудан уйғонса, унинг юзига қуёш нури тушиб турарди. Англайдики, кўклам келибди. Бобонинг ичи ёришади, яшашга бўлган муҳаббати қайта барқ уради. Бу муддат ичида, табиийки, Ўрол бобонинг яқинлари, жигарлари-ю фарзандлари уни қидиришарди. Ҳолдан тойган бобонинг юргани мадори йўқ, шу туфайли фақатгина қўшиқ хиргойи қилиб ўтирар, кимлар биландир хаёлан гурунглашар эди. Бир пайт шамол туриб, унинг овозини узоқларга олиб кетади. Шунда тоғнинг қуйироқ қисмида акасини излаб юрган Шербўта амакининг қулоғига узоқдан бир ун эшитила бошлайди. Тепалик сари чиқар экан, овоз янада тиниқлашади. Диққат билан атрофга назар ташлаган Шербўта амаки бу товуш келаётган манзилни дарҳол фахмлайди. Катта бир қоя остида, қорлар уюми ортида акаси Ўрол бобо ётарди. Деярли хушсиз, мадорсиз аҳволда, бироқ алланималарнидир сўйлар, куйга солиб хиргойи қиларди.

Ҳаёт, тақдир, қийинчиликлар Ўрол бобони синовдан ўтказса-да, у кишининг иродаси ва яшашга бўлган иштиёқи ҳар доим устун келди. Қийин вазиятда омон қолиш учун бор кучини ишга солиб, руҳий кучини йўқотмади...

Машҳура ЖЎРАҚУЛОВА

Эълонлар

1993 йил 11 июнда Нуридинов Рахматходжа Мухитдинович номига берилган №09-02/9062 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Чилонзор тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан 17.07.2014 йилда Чилонзор тумани, 10-даҳа, 9-уй, 130-хонадон учун Куралбаева Мухаё Эргашбоевна номига берилган №2-2818 рақамли олди-сотди шартномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
J. Nahanov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:20
Topshirildi – 23:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 012 ta
Shundan:
7 130 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6